Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2013 йил
1 май
ЧОРШАНБА
№ 36 (12568)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Бугуннинг гапи

## ОТА-БОЛА ФЕРМЕРЛАР КУЛЬТИВАЦИЯНИ БОШЛАШДИ



**Зоҳиджон Муродов отаси 2008 йилда ташкил этган "Ўсиш, барака, ишонч" фермер хўжалигида иш бошқарувчи вазифасини бинойидек бажариб юрган эди. Ўтган йилнинг кузида шу ҳудуддаги бир фермернинг ишлари яхши юришмай, ерини топширишга мажбур бўлди. Бу пайтда кузги ғаллани экиш мавсуми бошланган эди. Вақт зиқ. Нима қилиш керак?**

Юқори Чирчиқ тумани ҳокимлиги Зоҳиджонга ишонч билдирди. У ҳам фурсатни бой бермай, ерларни тайёрлаб, уруғликни вақтида сепиб олди. Отасининг хўжалигида иш юритувчи сифатида обдон кўзи пишган эмасми, камчилик ва нуқсонларнинг ўрнини тўлдиришни бемалол уддалади.

Эндиликда Комилжон Муродов бошлиқ "Ўсиш, барака, ишонч" ҳамда ўғли Зоҳиджон янги ташкил этган "Юксалиш, барака, ишонч" фермер хўжаликлари басма-басига ишлаб, ғўза ниҳолларию ғаллани яшнатишяпти.

Куни кеча ота 47,6 гектар, ўғил эса 52,6 гектар ернинг дастлаб чигит қадалган майдонларида биринчи ишловни бошлашди.

– Бу йил шартнома бўйича 142 тонна пахта етиштиришимиз керак, – дейди Комилжон Муродов. – Аммо ўтган йиллар натижаларига таяниб, хирмонимиз 190 тоннадан кам бўлмайди, деб бемалол айта оламан.

**СУРАТДА:** фермер Комилжон Муродов ишлов сифатини назорат қилмоқда.

**Собир ЗУФАРОВ олган сурат.**

## ҲУНАРМАНДЧИЛИК РИВОЖЛАНМОҚДА

**Президентимиз Ислом Каримовнинг доимий эътибори ва ғамхўрлиги самарасида миллий қадриятларимиз ривож топмоқда. Авлоддан-авлодга ўтиб келаётган миллий ҳунармандчилигимизнинг баъзи унутилган турлари қайта тикланиб, уларни ёш авлодга ўргатиш бўйича "уста-шогирд" анъанаси давом этмоқда.**

Ёғоч ўймакорлиги санъатини пухта эгаллаган қибрайлик Шавкат Юсупов тайёрлаган китоб таглик, қаламдон, хонтахта, курси, стол каби буюмлар эътиборни тортади.

– Биз ёнғоқ, қайрағоч ва чинор ёғочларидан оддий қутичадан тортиб маҳобатли дарвозагача ясаймиз, – дейди Шавкат ака. – Танлаб олинадиган бу қаттиқ ва пишиқ ёғочлар 3-4 йил мобайнида салқин жойда қуритилади. Шу боис, улардан тайёрланадиган буюмлар сифатли, чиройли, чидамли ва харидоргир бўлади.

Шавкат ака ёғоч ўймакорлиги бўйича эгаллаган ҳунарини ёшларга ўргатиб келмоқда. Ҳозир устанинг етти нафар шогирди бор.

– Шавкат акага шогирд тушиб, шу касбга бўлган қизиқиш ва интилишим янада ошди, – дейди Дилшод Нурмуҳамедов. – Айни кунда турли кичик қутичалар, эшик ва ром ясаш ҳамда уларга шакл бериш бўйича маҳоратимни оширмоқдаман. Ниятим – келажакда ёғоч ўймакорлиги бўйича моҳир уста бўлиб, миллий ҳунармандчилигимизнинг янада ривожланишига ўз ҳиссамни қўшиш.

**ЎзА.**



Кучли фуқаролик жамияти сари

**Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат қуриш, "Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари" тамойилини жорий этишга оид асосий вазифаларнинг муайян қисми фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари зиммасига тўғри келади. Маҳалла институтининг мамлакатни демократик янгилаш ва модернизациялашни чуқурлаштириш, жойларда ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишдаги роли тобора ортиб бормоқда.**

## МАҲАЛЛА ИНСТИТУТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Президентимиз Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" номли маърузасида маҳалла фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштириш, вазифалари кўламини кенгайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан яқин муносабатларини таъминлаш алоҳида долзарб аҳамият касб этишини таъкидлади. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари устидан кучли жамоатчилик назорати фуқаролик жамиятининг муҳим шарти. Бинобарин, одамларнинг фаоллиги, ижтимоий ҳодисаларга аниқ муносабати, ҳар бир давлат хизматчисининг ўз фаолияти жамоатчилик назорати остида эканини ҳис этиши фуқаролик жамиятида адолат устувор бўлишига хизмат қилади.

Юртбошимиз таъкидлаганларидек: "Маҳалланинг халқ маънавияти билан боғлиқ жиҳатлари ҳақида сўз юритиб, уларни кўз ўнгимиздан ўтказиб, атрофлича таҳлил қилар эканмиз, ҳеч иккиланмасдан айтиш керакки, биз ҳар қайси хонадон, бутун эл-юртимиздаги маънавий иқлим ва вазиятни англамоқчи бўлсак, бу борадаги ҳақиқий манзаранинг ёрқин ифодасини аввало маҳалла ҳаётида худди ойнадек яққол кўриш имконига эга бўламиз". Ҳақиқатан ҳам маҳалла маънавий қадриятларни асраб авайлаш ва баркамол ёш авлодни тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Шубҳасизки, маҳалла аҳолини бирлаштирувчи ва жипслаштирувчи катта оила ҳисобланади. У одамларнинг бир-бирига ҳурмати, меҳр-оқибати, чуқур билим ва маданияти, мустаҳкам дўстлиги тамойилларига амал қилиб яшайди ва фаолият юритади. Бундан ташқари, маҳалла оилавий бизнес ва хизмат кўрсатиш тармоқларини ривожлантиришда ҳам тегишли ваколатларга эга. Уни ёшларни ахлоқий, диний, сиёсий ва ҳуқуқий тарбиялаш, ҳар томонлама баркамол бўлиб етишишларини таъминловчи асосий масканларидан бири, дейиш мумкин.

*(Давоми 2-бетда).*

Бунёдкорлик

## ЯНА БИР ЯНГИ КОРХОНА

**"Бекободцемент" очиқ акциядорлик жамияти Хитойнинг "China CAMC Engineering Co, LTD" компанияси билан қуруқ усулда цемент клинкери ишлаб чиқарадиган янги корхонасини ишга туширган эди.**

Ҳозир корхонада ўзига хос ноёб, юқори самарали ва экологик тоза маҳсулот тайёрланмоқда. Заводнинг лойиҳавий қуввати 75 минг тонна цемент клинкери ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Бунинг учун ўзимиздаги хом ашёдан фойдаланилмоқда.

Янги корхона ишга тушиши муносабати билан 150 та иш ўрни яратилди.

**Каримқул МАВЛОНОВ.**

## БАХТ КОШОНАСИ

**Пискент туманидаги ёш оилаларнинг мустаҳкам ва соғлом бўлишига хизмат қилувчи ФХДЁ янги қурилган муҳташам бинога кўчиб ўтди.**

Икки қаватли бино замонавий услубда қурилган бўлиб, нафақат ёш келин-куёвлар, балки туман аҳолиси ва ёшларнинг тиббий маданияти, маънавий-ахлоқий билими ҳамда дунёқарашини кенгайтириш учун барча зарур шарт-шароитларга эга.

## КАМОЛОТ КУБОГИ

**"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши, ўрта махсус, касб-ҳунар ҳамда халқ таълими бошқармалари йил давомида спорт-соғломлаштириш мусобақалари ўтказишни режалаштирган.**

Вилоят умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежи ва академик лицей ўқувчилари ўртасида кураш бўйича "Камолот кубоги" мусобақалари ўтказилади.

Бекобод ва Чирчиқ шаҳарлари, Бўка, Оққўрғон, Зангиота, Юқори Чирчиқ туманлари босқич мусобақалари юқори савияда ташкил этилиб, ғолиблар вилоят босқичига йўлланмани қўлга киритишди.

**Зилола АЛИЕВА.**

Маҳалла оқсоқоллари диққатига

## ТЕМИРЙЎЛ ЎЙИНГОҲ ЭМАС

**Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини таъминлаш мақсадида "Ўздавтемирйўлназорат" инспекцияси "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компанияси ходимлари билан ҳамкорликда фаолиятга хавф солувчи камчилик ва нуқсонларни вақтида аниқлаб, бартараф этишга ҳаракат қилмоқда. "Тошкент – Самарқанд" темир йўл участкасида юқори тезликда ҳаракатланувчи "Afrosiyob" электрпоездининг хавфсизлигини таъминлаш учун идоралараро комиссия тузилди ва тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда.**



Комиссия ўтказган текширув ва рейдлар давомида бир қатор камчиликлар аниқланди. Жумладан, темир йўл бекатлари оралиғида ҳарбийлашган қўриқчилар бошқармаси ўқчилари масъулиятсизлик қилиб, иш вақтида ўз постларида бўлмаётган ҳоллар учраб турибди. "С. Раҳимов – Ўртаовул" оралиғидаги 5-, 6-постларда шундай ҳолга дуч келинди. Бундай лоқайдлик назоратнинг сусайганини кўрсатади. Натижада темир йўл ёқасида яшовчи аҳолининг белгиланмаган жойлардан кесиб ўтиши, молларини темир йўлга яқин ерларда боқиши, назоратсиз болаларнинг йўловчи вагон ойналарига тош отиши ва темир панжаралардан ошиб ўтишлари кўпаяди ва турли нохуш ҳодисалар юз беради.

"С. Раҳимов – Ўртаовул", "Янгийўл – Пахта", "Олмазор – Чиноз" ва "Чиноз – Янги Чиноз" темир йўл участкалари оралиғида йўл бўйидаги темир панжаралар синдириб ташланган. Маҳаллий аҳоли "Янгийўл – Пахта" бекатининг 3404-километрида темир панжарани синдириб, темир йўл устидан пиёдалар ўтиш йўлаги очиб олган. Бу поездлар ҳаракати ва одамлар ҳаётига хавф туғдиради, албатта. Масалан, 2012 йилда темир йўл бўйида яшовчи аҳолининг назоратсиз юрган 5 бош молини поезд босиб кетди. Ўзингиз ўйлаб кўринг, тезюрар электрпоездни қисқа масофада тўхташнинг имкони йўқ. Уларнинг тўхташ масофаси камида 4-5 километрга чўзилади.

Ўрта Осиё давлатлари орасида биринчи бўлиб, "Тошкент – Самарқанд" йўналишида юқори тезликда ҳаракатланувчи "Afrosiyob" поездининг қатнови нафақат Ўзбекистон аҳолиси, балки хорижий меҳмонлар учун ҳам катта қулайлик бўлди. Ўзбекистонга келувчи хорижий меҳмонлар йил сайин кўпайиб бормоқда. Улар учун барча қулайликларни яратиб беришни даврнинг ўзи тақозо этаяпти.

Темир йўлларда йўловчи ва юк ташиш хавфсизлигини таъминлаш учун темир ва автомобиль йўллари кесишмаларида ўтиш қоидаларига қатъиян риоя этиш зарур. Республика темир йўлларида 700 дан зиёд шундай кесишмалар бўлиб, фақат 23 фоизи қўриқланади. Шу сабабли, барча кесишмаларда ҳайдовчилар ҳушёр бўлишлари, тартиб ва қоидаларга қатъий риоя этишлари шарт.

Ўтган йили республикада ҳайдовчиларнинг кесишмалардан ўтиш қоидаларини қўпол равишда бузишлари оқибатида 33 та тўқнашув (ёки поездларнинг автомобилларни босиб кетиши) ҳолатлари юз берди. Оқибатда 5 киши ҳалок бўлди, поездлар ҳаракати жадвали бузилди, юридик ва жисмоний шахслар моддий зарар кўрди.

Шу йилнинг ўтган даврида содир бўлган 11 та тўқнашувда бир киши ҳаётдан кўз юмди. Бундай ҳалокатларнинг асосий сабаби автомобиль ва трактор ҳайдовчиларнинг малака ва савияси пастлиги, соҳага мутасадди ходимларнинг автокорхона, маҳалла ва жамоа жойларида тушунтириш ишларини олиб боришдаги сусткашлигидир.

"Тошкент – Самарқанд" темир йўлига яқин жойлашган маҳалла оқсоқоллари, ўқув муассасалари раҳбарлари темир йўл яқинида мол боқмаслик, панжараларга шикаст етказмаслик, вагон ойналарига тош отмаслик, темир йўлнинг белгиланмаган жойларидан кесиб ўтмаслик, темир йўл яқинига ахлат ташламаслик ҳамда ёш болаларнинг тезюрар поезд йўналиши яқинида юрмасликлари ва уларни назоратсиз қолдирмаслик юзасидан ота-оналарга мунтазам тушунтириб, эслатиб боришлари лозим.

**А. ҚАЛИМБЕТОВ,
"Ўздавтемирйўлназорат" инспекцияси ахборот хизмати бошлиғи.**

Хотира ва қадрлаш куни олдидан

**Ўтганларни ёд этиб туриш, улар ҳаққига дуою фотиҳада бўлиш, корихайрларни амалга ошириш тириклар бурчи эканлиги муқаддас китобларимизда қайта-қайта уқдириладиган ўгитлардир. "Қабристонни зиёрат қилиб туринглар, зеро унда катта ибрат бор" дея марҳамат қилинади Ҳадиси шарифда. Шундан ҳам маълум бўладики, зиёрат аввало тирикларнинг ўзи учун керак экан: ибрат олиши, елдек ўтаётган тириклик онлари ҳақида бир лаҳза бўлсин ўйга толиши, сарҳисоб қилиши учун...**

## ЭНГ АЗИЗ РОБИТА

Умр ғанимат. Вақт тезоб. Ибтидоси бор ҳар нарсанинг интиҳоси ҳам бор. Бугун ўтган аждодларини хотирлаб, қабристонни зиёрат қилиб юрган инсон эртага ўзи хотирага айланади. Энди унинг қабри зиёрат қилинади, яхши ишлари эсланади. Агар шунга муносиб умргузаронлик қилган бўлса, албатта... Саъдий Шерозийда шундай сатрлар бор:

*Йиллар ўтиб кетди
тепангдан ғир-ғир,
Отанг мозорига бордингми
бир дам?
Отанг хотирига қандай
эзгулик –
Қилдингки, ўғлингдан
кутасан сен ҳам?!*

*(Давоми 2-бетда).*

Китоб – хазина

## ТАФАККУР МАҲСУЛИ

**Инсон дунёга келар экан, яшаш учун кураш гирдобига тушади. Шу гирдобда у не-не тўғрию эгри йўлларга дуч келади. Эгри йўлдан камроқ, тўғри йўлдан кўпроқ юриш ҳар бир кишининг ўзига, тўғрироғи, тафаккурига боғлиқ. Ёшликдан илм ўрганишга, ҳунарли бўлишга интилган одам ҳаётнинг ўнқир-чўнқирларидан қоқилмай ўтади. Чунки у билимдон, бир яхши касбнинг бошини тутган. Унинг шу даражага етишида, албатта, китобнинг роли катта. Инсон китобсиз билимдон ва яхши касб эгаси бўлолмайди. Китоб ўқиганларнинг тафаккури, дунёқараши кенгайиб боралади. Қанча кўп ўқиса, шунча кенг фикрлайдиган бўлади.**

Китоб – инсон тафаккури маҳсули, яъни билган, кўрган, эшитган воқеа-ҳодисалар ёки ўзи яратган янгиликни ўзгаларга ва айниқса, келажак авлодга ёзма равишда қолдириладиган улкан мерос, бебаҳо бойлик.

Китоб ҳақида гап борганида, инсонни комилликка етакловчи муҳим бир манба – "Ҳадиси шариф"ни ҳам тилга олмоқ жоиз. Мен Ҳадисни фақат диний манба эмас, айни пайтда умуминсоний қадриятга айланган юксак ахлоқий фазилатлар мажмуаси деган бўлар эдим. Бу фазилатларни ўзида мужассамлаштирган инсон ҳеч қачон ўзгаларга ёмонлик тиламайди. "Ҳадиси шариф"да илм ва илм олмоқлик ҳақида қуйидагиларни ўқиймиз: "Бешикдан то қабргача илм ўрган", "Бир соатгина илм ўрганмоқлик бир кечалик ибодатдан яхшидир, бир кунлик дарс олиш уч ой тутилган нафл рўзадан афзалдир", "Илмни ўрганиб, сўнг уни бошқаларга ўргатмаслик гўёки, молу дунёни йиғиб, уни сарф қилмай, кўмиб қўйиш билан barobardir", "Илмни эгалланг! Илм саҳрода дўст, ҳаёт йўлларида таянч, ёлғиз дамларда йўлдош, бахтиёр дақиқаларда раҳбар, қайғули онларда мададкор, одамлар орасида зебу зийнат, душманларига қарши курашда қуролдир".

Нафақат Ҳадисни, ҳаётда умуман қўлига китоб олмайдиган одамни кўзи очиқ аммо қалби басир деб атагим келади. Аслида эса, бундай бўлмаслиги керак. Чунки бизнинг мамлакатимиз донолар юрти, олиму шоирлар Ватани. Ҳозирги кунда бутун дунё халқлари танийдиган Форобий, Қошғарий, Беруний, Юсуф Хос Хожиб, Имом ат-Термизий, Югнакий, Фарғоний, Амир Темур, Улуғбек, Навоий, Бобур ва бошқа не-не мутафаккирлар бизнинг заминда етишиб чиққанлар, ижод қилганлар ва албатта, билганларини китобат қилиб қолдирганлар.

*(Давоми 4-бетда).*

Хотира ва қадрлаш куни олдидан

# ЭНГ АЗИЗ РОБИТА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ҳадиси шарифда таъкидланган – зиёратдан олинадиган ибрат масаласига қайтсак. Қабристон ўзига хос бир олам, мавлоно Чустий таъбирича, "индамаслар олами". Агар зиёратчи бу олам вакиллари хусусида ўйласа... бир пайтлар улар ҳам фоний дунё ташвишлари билан яшаганлари, бировлари хотиржам, осойишта, бошқа бирлари бесабр, талвасада, бири ҳалолликни пеша қилиб, бошқаси нафси амморасига эрк бериб умр ўтказгани ва бу ерда энди яхши ҳам, ёмон ҳам, алдаган ҳам, алданган ҳам ёнма-ён ва айни чоқда дунё ҳаётидаги қилмишларига яраша Аллоҳнинг ажри ёки уқубатига сазовор бўлган ҳолда ётганларини теран мушоҳада эта билса, зиёрат унинг учун катта сабоқ вазифасини ўташи шубҳасиз.

Ўтганлар хотирасини, айниқса, умрини эзгу ишларга, дин, илм-фан, эл-юрт хизматига бахшида этганлар хотирасини азиз тутиш, қадрлаш биз учун аждодий мерос бўлиб, диний-миллий қадриятларимиздан ҳисобланади. Президентимиз ташаббуси билан 9 май санаси "Хотира ва қадрлаш куни" деб эълон қилингани ҳамда пойтахтимизнинг Мустақиллик аталмиш бош майдони билан бақамти ҳолда Хотира майдонининг тиклангани Истиқлолнинг қутлуғ қадамларидан бири бўлди. Иккинчи жаҳон урушида олис Оврупо жанггоҳларида ҳалок бўлган 440 мингга яқин ватандошимизнинг исм-шарифи бу ердаги "Хотира китоби" саҳифаларига муҳрланди. Айни чоғда худди шундай "Хотира майдони" барча вилоятлар ва туманларимиз марказларида тикланди ва ўша ҳудуд миқёсидаги "Хотира китоби" ташкил этилди.

Ҳар йили 9 май – Хотира ва қадрлаш кунида пойтахтимиздаги "Хотира майдони"да улкан тадбир ўтказилиши, шаҳидлар руҳи покларига бағишлаб Қуръон тиловат қилиниши – уларнинг ва яна кўплаб мустақиллигимиз фидойиларининг пок номлари нафақат Хотира китоби саҳифаларига, балки халқимиз, айниқса, ёшларимиз қалбига ўчмас бўлиб муҳрланганидан, порлоқ хотиралари эъзозлаб, қадрлаб келинаётганидан далолат беради.

Қанчадан қанча миллатимиз гуллари бугунгидай Истиқлол замонларини орзу қилиб, бу йўлда курашиб, қатағонга учрадилар, шаҳид кетдилар. Биз ёш, баркамол авлодларни тарбиялар эканмиз, шундай Истиқлол фидойилари ҳаётини уларга ибрат қилиб кўрсатмоғимиз керак. Токи ёшларимиз кимларнинг авлодлари эканликларини, ҳаётда кимга эргашмоқликлари, кимлардан ибрат олмоқликлари лозимлигини яхши билиб олсинлар.

Хотира – ўтмиш билан бугунни боғловчи ўзига хос кўприкдир, робитадир, дейдилар. Бошқача айтганда, ўтмиш бизнинг хотирамиз туфайли барҳаётдир. Ўтмиш хотираси эса бизга ҳаётбахш куч беради, раҳнамолик қилади, олға чорлайди.

Инсон хотираси азиз. Биз қалбларимизда буюк аждодларимиз сиймосини эъзозлаб асрашимиз лозим. Истиқлол йилларида илм-фан, дин намоёндалари, улуғ саркардаларимиз зиёратгоҳлари обод қилинди ва қилинмоқда, қадр-қимматлари тикланди ва тикланмоқда. Бу бизнинг, Ватанимизнинг келажаги, тараққиёти учун олиб борилаётган оқилона сиёсатдир.

**Қурбонали ТУРСУНОВ,**
**вилоят бош имом-хатиби.**

2013 йил – Обод турмуш йили

# «ГУЛБОҒ»НИНГ НОМИГА ЯРАШГАН УЙЛАРИ

**Куни кеча вилоятимиз шаҳар ва туманларида истиқомат қилувчи 70 дан зиёд табаррук кексалар Паркент туманидаги "Гулбоғ" маҳалла фуқаролар йиғинида бўлишиб, бу ерда яқинда қуриб битказилган ва фойдаланишга топширилган янги тураржой массиви билан атрофлича танишдилар. Вилоят ҳокими Аҳмаджон Усмонов шу тадбир муносабати билан йиғилганларга жойларда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари ҳақида ҳикоя қилиб берди.**

– Ўзбекистон мустақиллик йилларида қишлоқ жойларда якка тартибда уй-жой қуриш ва уларга мос инфратузилмаларни барпо этиш соҳасида катта тажриба тўплади, – деди ҳоким. – Бугун юртимиз қишлоқларида намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қуриш йўлида бошланган саъй-ҳаракатлар давр талаби эканлиги шубҳасиз. Қишлоқлардаги бунёдкорлик ишлари кўламининг беқиёс кенгайиши муносабати билан замонавий қурилиш индустрияси шаклланади ва ривожланади, янги-янги иш ўринлари очилади, аҳолининг тўлиқ бандлиги таъминланиб, оилалар даромади ва турмуш фаровонлиги юксалиб боради. Ушбу бунёдкорлик ишлари натижаси ўлароқ қишлоқларимиз қиёфаси кўз ўнгимизда тубдан ўзгариб, аҳолининг ҳаёт тарзи ва ўй-фикрлари кескин ўзгариб бормоқда.





– "Гулбоғ"да намунавий лойиҳа асосида қурилган уйлар, уларда яратилган шароит ва қулайликлар мени ҳайратга солди, – деди фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси Олмалиқ бўлими раиси Абдумажид Шодиев. – Шуниси диққатга сазоворки, ўзбекларнинг миллий анъаналари келгусида ривож топиши ва оила аъзолари сони ўсиб бориши ҳисобга олинган. Айниқса, ушбу замонавий уйлар қаватида таълим ва тиббиёт муассасалари, савдо мажмуалари, маиший хизмат пунктлари ва болалар спорти майдонлари ҳам бир йўла барпо этилмоқда. Янги уйлар миллий менталитетимиз ҳисобга олинган ҳолда қурилгани, айниқса диққатга сазовор.

Бундай замонавий технология асосидаги тураржой массивлари вилоятимизнинг Зангиота, Пискент туманларида ҳам барпо этилди. Улар уч ва олти хонали бўлиб, томорқа участкалари, автомобиль учун алоҳида жой мавжуд.

– Илгари биз бундай шинам уй ва унинг атрофидаги ободончиликларни фақат орзу қилишимиз мумкин эди, – дейишади "Гулбоғ" маҳалласида яшовчи Зафар ва Дилдора Шоқосимовалар. – Бугун эса ушбу орзулар рўёбга чиқди. Бизга насиб этган янги уйда тўрт фарзандимиз учун алоҳида-алоҳида хоналар бор. Илиқ-иссиқ кунларда улар кенг ҳовлида яйраб ўйнашлари мумкин. Буларни ўз кўзимиз билан кўриб, қишлоқдаги шароитлар шаҳарникидан қолишмайдиган бўлиб бораётганига гувоҳмиз.

Мамлакатимизда аккредитация қилинган дипломатлар ҳамда халқаро ташкилотлар раҳбарлари рафиқаларидан бир гуруҳи ҳам "Гулбоғ"даги янги намунавий тураржойлар билан танишдилар.

– Ўзбек халқи азал-азалдан бунёдкорлик хислати билан донг таратган, – деди Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги элчиси рафиқаси Ратна Сарма. – Қишлоқ аҳолиси учун қурилган ушбу гўзал, ҳамма қулайликларга эга уйларни кўриб, ҳайратим ошди. Миллий анъаналар эътиборга олиниб, маиший хизмат мажмуалари билан уйғунликда барпо этилган бу уйларнинг эгаларига ҳавасим келди. Ўзбекистоннинг қишлоқ жойларида тураржой қуриш тажрибасини ўрганса арзийди.

**Самад ЙЎЛДОШ.**
**Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.**

# МАСЛАҲАТЧИЛАР КЕНГАШИБ ОЛДИЛАР

**Қуйи Чирчиқ тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги касб-ҳунар коллежида қишлоқ фуқаролар йиғинлари диний ва маърифий масалалар бўйича маслаҳатчилари кенгаши бўлиб ўтди.**

Иштирокчилар ёшларни диний-ахлоқий тарбиялаш, мустақил фикрлашга ўргатишга қаратилган тадбирларни муҳокама этиб, ўзаро тажриба алмашишди.

Тадбир "Диний, маърифий ва маънавий-ахлоқий тарбия бўйича энг яхши маслаҳатчи" анъанавий кўрик-танловига уланиб кетди. 7 иштирокчи орасида энг яхши натижага эришган "Тошлоқ" ҚФЙ вакили Гулшакар Исмонқулова йилнинг энг фаол маслаҳатчиси деб топилди.

Ғолибга тадбир ташкилотчиси "Маҳалла" хайрия фонди туман бўлимининг диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА.**

Ўқув-семинар

# БИЛИБ ҲАРАКАТ ҚИЛГАН МАЪҚУЛ

**Вилоят Маънавият ва маърифат марказида зилзила билан боғлиқ фавқулодда вазиятларни бартараф этиш ва табиий офатлар пайтида аҳолига тез ёрдам кўрсатиш масалаларига бағишланган ўқув-семинар ўтказилди.**



Вилоят ҳокимлиги ва фавқулодда вазиятлар бошқармаси ҳамкорлигида уюштирилган тадбирда шаҳар ва туман ҳокимлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари раҳбарлари, гидротехник иншоотлар ва ирригация тизими, корхона, ташкилот, ўқув ҳамда тиббиёт муассасалари масъул ходимлари, шунингдек, қутқарувчилар иштирок этди.

Ўқув-семинар давомида Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармаси масъул ходимлари сўзга чиқиб, йиғилганларга зилзила оқибатларининг олдини олиш ҳамда бартараф этиш соҳасидаги янги усуллар ва замонавий кўникмалар ҳақида тушунчалар беришди.

Семинар жараёнида вилоят аҳолиси ҳамда ҳудудларини зилзилалар билан боғлиқ фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишга оид қатор вазифалар белгилаб олинди.

**Еркебой БОТИРОВ олган сурат.**

Тақдимот

# БОШҚАРИШ УЧУН ЎҚИШ КЕРАК

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат ҳамда маҳаллий ҳокимият органларига магистратуранинг икки йиллик дастури асосида кадрлар тайёрлаб берувчи Давлат бошқаруви академияси шу кунларда мамлакат вилоятларида тақдимот тадбирларини ўтказмоқда.**

Бундан асосий мақсад давлат ҳамда жамоат ташкилотлари, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектларнинг раҳбар кадрлари малакасини ошириш учун номзодларни танлаб олишдир. Ушбу ўқув раҳбар кадрларнинг ишчанлигини, маънавий-ахлоқий салоҳиятларини янада мукаммаллаштиришга, ахборот-коммуникация технологияларини эгаллаш ҳамда таҳлил услубларини ўзлаштириш бўйича кўникма ҳосил қилишларига ёрдам беради ва шу орқали уларнинг иш самарадорлигини кескин оширади.

Тошкент вилояти ҳокимлигида ҳам шундай тақдимот тадбири бўлиб ўтди. Машғулотга вилоят шаҳар ва туманларидан 40 ёшгача бўлган, камида уч йиллик стажга эга раҳбар ходимлар таклиф этилди.

Учрашувда Давлат бошқаруви академияси профессор-ўқитувчилари ва тингловчилари иштирок этиб, ушбу ўқувнинг мақсад ва вазифалари, ўз билим ҳамда маҳоратини оширишни истовчиларга амалда қандай ёрдам кўрсатиши ҳақида батафсил сўзлаб бердилар.

**Ўз мухбиримиз.**
**Собир ЗУФАРОВ олган сурат.**



Саломат бўлинг

# «ОҚТЕПА» – НАМУНАЛИ ҚВП

**Пискент туманидаги Новкент, Сатторобод, Сўзоқ, Пахтакон қишлоқларининг тўрт минг нафардан зиёд аҳолисига "Оқтепа" қишлоқ врачлик пункти сифатли тиббий хизмат кўрсатмоқда.**

Ушбу тиббиёт маскани 2012 йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат Архитектура ва қурилиш қўмитаси, БМТ Тараққиёт дастури ва Глобал экологик фонд(GEF)нинг қўшма лойиҳаси доирасида капитал таъмирланди. Муассаса биноси, жумладан, рўйхатга олиш, муолажа, эмлаш, физиотерапия, дорихона, аёллар маслаҳатхонаси ҳамда кундузги даволаниш хоналари бутунлай янгича қиёфа касб этди.

"Саломатлик-2" дастури асосида замонавий тиббий жиҳоз ва аппаратлар билан таъминланган мазкур ҚВПда яратилган шарт-шароитлар аҳолига манзур бўлмоқда.

Илгари оқтепаликлар тиббий кўрикдан ўтиш, турли муолажалар олиш учун вақт ва маблағ сарфлаб, туман маркази ёки пойтахтимиздаги шифохоналарга боришга мажбур эди. Энди бу ишлар шу ернинг ўзида – ҚВПда амалга оширилмоқда. Муассасада кундузи стационар шароитда даволаниш ҳам мумкин. Жорий йилнинг ўтган даврида ўттиз нафардан зиёд бемор шу ерда саломатлигини тиклади.

– Қишлоғимиз шифохонасида яратилган шарт-шароитлар шаҳарникидан асло қолишмайди, – дейди Новкент қишлоғида яшовчи Омонгул Аширбоева. – Бу ерда даволанган одам тиббиёт ходимларининг билим ва малакаси юқори эканига ишонч ҳосил қилади.

ҚВП мудираси Гулчеҳра Ҳайдарова қарийб ўттиз йилдан бери тиббиёт соҳасида ишлайди. Олий ўқув юртини битиргач, бир неча йил Пискент тумани марказидаги шифохоналарда тажриба оширди. Йигирма йилдан бери қишлоқ шифохонасида умумий амалиёт шифокори сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда.

– Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар доирасида ҚВПларга алоҳида эътибор қаратилмоқда, – дейди Г. Ҳайдарова. – Давлатимиз томонидан қишлоқ аҳолиси саломатлигини мустаҳкамлашга берилаётган бундай катта эътибор туфайли бизнинг пунктимизда ҳам замонавий қулайликлар яратилди.

"Оқтепа" қишлоқ врачлик пункти хизмат кўрсатадиган ҳудудда яшовчи аёллар ва болалар тиббий кўрикдан ўтказилиб, саломатликлари доимий равишда кузатиб борилаётир. Муассасада барча зарур профилактик тадбирлар, даволаш ишлари намунали йўлга қўйилгани учун ҳам ўтган йили ҳудудда оналар ва болалар ўлими қайд этилмади. Турли касалликлар кўрсаткичи йил сайин камайиб бормоқда.

– Туман тиббиёт бирлашмаси мутахассислари билан ҳамкорликда болалар ва туғиш ёшидаги аёлларни чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказмоқдамиз, – дейди ҳамшира Дилбар Усмонова. – Текширувларда аниқланган касалликлар бўйича беморларга тегишли маслаҳатлар берамиз ва даволаш чораларини кўрамиз.

Касалликни даволашдан кўра, унинг олдини олган афзал, деган тамойилга амал қилаётган қишлоқ шифокорлари профилактика ишларини кучайтирмоқда. Аҳоли ўртасида тегишли тушунтириш ишлари олиб борилаётир. Ҳудуддаги таълим муассасалари ва қишлоқларда ўтказилаётган учрашувларда аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш, соғлом турмуш тарзини оммалаштириш, қариндошлар ўртасида никоҳ ва эрта турмуш қуриш ҳолатларининг олдини олиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

**Холмурод САЛИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

Кучли фуқаролик жамияти сари

# МАҲАЛЛА ИНСТИТУТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Кейинги йилларда аҳолининг ўзини ўзи бошқариш органларига бўлган ишончи ошди. Бу, албатта, биринчи навбатда давлатимиз раҳбарининг мазкур соҳага қаратаётган эътибори ва ғамхўрлиги натижасидир. Айни шу йўналишда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси миллий қонунчиликни такомиллаштириш, айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, ижтимоий аҳамиятга эга бутунлай янги қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш устида изчил ислоҳотлар олиб борилмоқда.

Фаолиятлар қамровини янада кенгайтириш мақсадида Республика Президенти Фармойиши билан маъқулланган Фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантириш соҳасида Мамлакатда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш бўйича чоралар Дастури ижроси юзасидан "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг янги таҳририни ишлаб чиқиш кўзда тутилган эди. Ўтган вақт ичида ушбу қонун лойиҳаси устида тинимсиз изланишлар олиб борилди ва Қонунчилик палатаси муҳокамасига қўйилиб, Сенатда маъқулланди. Шу йил 22 апрель куни Президентимиз мазкур қонунни имзолади. Унга мувофиқ аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлашни амалга оширишда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ролини ошириш, жамоатчилик назоратига оид вазифаларини янада кенгайтириш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини хусусий тадбиркорлик, шу жумладан, оилавий бизнес ва ҳунармандчиликни ривожлантириш марказига айлантириш каби вазифалар ечимига алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбекистонда аҳолини, айниқса, эҳтиёжманд кишиларни маҳалла орқали ижтимоий ҳимоя қилишнинг ноёб тизими тобора такомиллашиб бормоқда. Кам таъминланган оилалар, ёлғиз қариялар, ногирон ва боқувчисини йўқотганларни моддий қўллаб-қувватлаш маҳалла орқали аниқ мақсадга йўналтирилган тарзда амалга оширилмоқда.

Шунингдек, қонунга бир қатор янги нормалар киритилди. Жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг мулк ҳуқуқи кафолатларини белгилаш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ишлари бўйича мувофиқлаштириш кенгашларини шакллантириш тартибини ҳамда уларни тузишга ваколатли органларни аниқлаштириш белгилаб қўйилмоқда.

Мазкур нормалар фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг мавқеини янада оширади. Хусусан, қонун лойиҳасининг 11-, 12- ва 13-моддаларида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ҳудуднинг санитария ҳолати ва ободонлаштириш масалалари юзасидан ўз ваколати доирасида тегишли ҳудудда жойлашган ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш белгиланмоқда. Қонун лойиҳасининг 16-моддасида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг жамоатчилик назорати соҳасидаги вазифаларини янада кенгайтириш кўзда тутилган. 17-моддасида эса, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга, оилавий бизнесни ташкил этишга кўмаклашиши, шу мақсадда маслаҳат марказлари, 18-моддасида фуқаролар йиғинининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар тузиш ўз ифодасини топган.

Янги таҳрирдаги "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"нинг фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантириш соҳасидаги йўналишидан келиб чиқиб тайёрланган бўлиб, киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар мазмун-моҳиятига кўра уч йўналишга бўлинганлиги таъкидланган.

Биринчиси, фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ва ўтказишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати масъул орган сифатида белгиланаётгани, шу билан бирга маҳаллий ҳокимият вакиллик органларининг ҳам роли ва масъулияти янада оширилаётгани ушбу сайловларни ташкил этиш ва ўтказишга нисбатан очиқлик, ошкоралик, аниқлик, бу жараёндаги шаклланган миллий амалиёт тажрибасидан унумли фойдаланишга қаратилган саъй-ҳаракатлар сифатида баҳоланади.

Иккинчиси, сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш учун бевосита масъул органларнинг, хусусан кўмаклашувчи комиссия, ишчи гуруҳлар, уларга аъзолик ва ўтказишдаги тартиблар бўйича янги талаблар қўйилиши бу сайловларнинг тизимлилиги ва демократик тарзда ўтишига хизмат қилади.

Учинчиси, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) номзодига қўйиладиган талаблар янада кучайтирилиши эса энг муносибларни сайлаш, амалиётда маҳалла раислари ва фаоллари доим билдириб келган долзарб шартлар аниқлаштирилган ҳолда баён этилган.

Жумладан, номзодликка Ўзбекистон фуқаролигига эгалик, сайловгача камида беш йил тегишли ҳудудда яшаган бўлиши, шунингдек унинг давлат органлари ёки нодавлат нотижорат ташкилотларидаги ёхуд хўжалик ва тадбиркорлик фаолияти соҳасида иш тажрибасига, юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга бўлиши каби янги, зарур талаблар қўйилмоқда.

Номзодларга қўйилаётган яна бир янги талабнинг мазмуни шундаки, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли)га номзодлар сайловнинг бошланишидан олдин фуқаролар йиғини олдида чиқиш қилиб, келажакдаги ўз фаолияти дастурини эълон қилиши шартлиги белгиланмоқда. Бу амалда ҳар бир номзоднинг тегишли ҳудудни қандай билишидан тортиб, келгуси мақсад, режа ва вазифаларини қандай кўра олиши ва ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этиш, маънавий-маърифий соҳаларни ривожлантиришда қандай йўналишларни таклиф этишида бор салоҳияти, қобилияти, қарашлари, қолаверса тажрибасини намоён этишига имкон беради.

Бир сўз билан айтганда, юқоридаги қонун лойиҳаларига киритилган янги нормалар Концепцияда белгилаб берилган устувор вазифалар, яъни маҳаллани аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, шунингдек, унинг давлат бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб бориш тизимидаги вазифаларини янада кенгайтиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

**Олим ЎСАРОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**"SPARETRA" МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Савдога қуйидаги автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда: Бекобод шаҳар СИБ томонидан 1. 15.02.2012 й. № 3917-сонли ижро ҳужжатига асосан 1969 й. и.ч. "Газ-21", д/р. К 3894 ТШ. Бошланғич баҳоси – 505 935 сўм. 2. 5.02.2012 й. № 3916-сонли ижро ҳужжатига асосан 1987 й. и.ч. "Иж 21-25", д/р. 11 I 2296. Бошланғич баҳоси – 511 200 сўм. 3. 06.05.2010 й. № 5446-сонли ижро ҳужжатига асосан 1971 й. и.ч. "М-412", д/р. Ж 9191 ТШ. Бошланғич баҳоси – 150 669 сўм. 4. 25.02.2010 й. № 850-сонли ижро ҳужжатига асосан 1976 й. и.ч. "М-412 ИЭ", д/р. 11 G 4538. Бошланғич баҳоси – 208 153 сўм. 5. 01.08.2011 й. № 7916-сонли ижро ҳужжатига асосан 1982 й. и.ч. "Москвич", д/р. 10 F 897 DA. Бошланғич баҳоси – 409 893 сўм. 6. 14.11.2011 й. № 13129-сонли ижро ҳужжатига асосан 1977 й. и.ч. "Уаз-452", д/р. 11 L 4829. Бошланғич баҳоси – 542 581 сўм. 7. 14.11.2011 й. № 13129-сонли ижро ҳужжатига асосан 1985 й. и.ч. "Уаз-452", д/р. 11 N 2357. Бошланғич баҳоси – 561 724 сўм. 8. 23.07.2012 й. № 7692-сонли ижро ҳужжатига асосан 1984 й. и.ч. "Москвич 2140", д/р. 11 V 5694. Бошланғич баҳоси – 596 809 сўм. 9. 19.03.2010 й. № 1618-сонли ижро ҳужжатига асосан 1987 й. и.ч. "Заз-968-М", д/р. 11 S 1813. Бошланғич баҳоси – 67 417 сўм. 10. 11.05.2011 й. № 3171-сонли ижро ҳужжатига асосан 1977 й. и.ч. "Уаз-452А", д/р. 11 Т 9673. Бошланғич баҳоси – 822 550 сўм. Бекободсавдо МЧЖ омборида сақланмоқда. 11. 15.08.2011 й. № 10379-сонли ижро ҳужжатига асосан 1991 й. и.ч. "ДТ-75", д/р. сиз. Бошланғич баҳоси – 5 870 694 сўм. "Зафар қурилиш инвест" МЧЖда сақланмоқда. Юқори Чирчиқ тумани СИБ томонидан 12. 28.12.2011 й. № 11-1130/25283-сонли ижро ҳужжатига асосан 1999 й. и.ч. "Кейс 2366", д/р. 14-64 ЕР. Бошланғич баҳоси – 52 083 640 сўм. 13. 28.12.2011 й. № 11-1130/25283-сонли ижро ҳужжатига асосан 1996 й. и.ч. "Магнум 7240", д/р. 18-11 ЕД. Бошланғич баҳоси – 35 975 368 сўм. Юқори Чирчиқ туман МТП, Янгибозор қўрғони, бахор кўчасида сақланмоқда. Ангрен шаҳар СИБ томонидан 14. 10.12.2010 й. № 19624-10-сонли ижро ҳужжатига асосан 1983 й. и.ч. "Камаз 5320", д/р. 11 А 6717. Бошланғич баҳоси – 13 238 704,58 сўм. 15. 02.11.2010 й. № 14057/10-сонли ижро ҳужжатига асосан 1990 й. и.ч. "ИЖ", д/р. 10 L 975 АА. Бошланғич баҳоси – 1 036 246,69 сўм. Ангрен шаҳар ИИБ ЙХХБ майдончасида сақланмоқда. 16. 03.05.2011 й. № 3946/11-сонли ижро ҳужжатига асосан 1976 й. и.ч. "М-412", д/р. 11 N 9038. Бошланғич баҳоси – 668 610 сўм. Ангрен шаҳар 29-автокорхона майдонида сақланмоқда. 17. Ангрен шаҳар СИБ томонидан 17.05.2012 й. № 11-1232/3223-сонли ижро ҳужжатига асосан 2009 й. и.ч. "Трактор ТТЗ-80", д/р. ЕЛ 2379. Бошланғич баҳоси – 25 626 600 сўм. Бўстонлиқ тумани Қўшқўрғон қишлоғида сақланмоқда. Чиноз тумани СИБ томонидан 18. 1981 й. и.ч. "Газ-24", д/р. 11 С 9898. Бошланғич баҳоси – 927 897 сўм. 19. 1987 й. и.ч. "М-412 Москвич", д/р. 10 В 411 АА. Бошланғич баҳоси – 310 363 сўм. 20. 1975 й. и.ч. "Уаз-469", д/р. 12 F 1109. Бошланғич баҳоси – 1 541 073 сўм. 21. 2001 й. "Мидибус-23,9", д/р. 11 АО 277. Бошланғич баҳоси – 3 667 599 сўм. 22. 2001 й. "Мидибус-23,9", д/р. 11 АО 344. Бошланғич баҳоси – 5 574 752 сўм. 23. 2001 й. "Мидибус-23,9", д/р. 11 АО 180. Бошланғич баҳоси – 2 136 777 сўм. 24. 2002 й. "Мидибус-24,9", д/р. 10 273 ААА. Бошланғич баҳоси – 9 259 333 сўм. 25. 2001 й. "Мидибус-24,9", д/р. 11 АО 338. Бошланғич баҳоси – 2 136 777 сўм. 26. 2001 й. "Мидибус-24,9", д/р. 11 АО 349. Бошланғич баҳоси – 2 136 777 сўм. 27. 2001 й. "Мидибус-24,9", д/р. 11 АО 356. Бошланғич баҳоси – 1 424 518 сўм. 28. 2002 й. "Мидибус-24,9", д/р. 10 119 ВАА. Бошланғич баҳоси – 9 388 175 сўм. 29. 2001 й. "Мидибус-24,9", д/р. 11 АО 278. Бошланғич баҳоси – 1 424 518 сўм. 30. 2001 й. "Мидибус-24,9", д/р. 11 АО 357 . Бошланғич баҳоси – 7 834 841 сўм. 31. 2001 й. "Мидибус-24,9", д/р. 11 АО 339. Бошланғич баҳоси – 2 136 825 сўм. 32. 2001 й. "Мидибус-24,9", д/р. 11 AJ 916. Бошланғич баҳоси – 7 500 080 сўм. 33. 2001 й. "Мидибус-24,9", д/р. 11 AJ 904. Бошланғич баҳоси – 7 500 080 сўм. 34. 2001 й. "Мидибус-М23,9", д/р. 11 AQ 152. Бошланғич баҳоси – 5 347 360 сўм. 35. 2001 й. "Мидибус-М23,9", д/р. 11 AQ 155. Бошланғич баҳоси – 5 822 680 сўм. Аукцион савдоси 2013 йил 15 май куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. 36. Пискент тумани СИБ томонидан 09.10.2012 й. № 11-1232/14276-сонли ижро ҳужжатига асосан 2001 й. и.ч. "Нексия-GLE", д/р. 10 925 LAA. Бошланғич баҳоси – 20 100 000 сўм. Пискент тумани "Пахта тозалаш заводи" ОАЖда сақланмоқда. 37. Бўка тумани СИБ томонидан 07.06.2012 й. № 6065/9-сонли ижро ҳужжатига асосан "Мотор эҳтиёт қисмлари". Бошланғич баҳоси – 392 937 359 сўм. Бўка тумани "Пахта тозалаш заводи"да сақланмоқда. Аукцион савдоси 2013 йил 31 май куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги автотранспорт воситалари 2013 йил 31 май куни савдода сотилмаган тақдирда, мазкур автотранспорт воситаларини сотиш юзасидан такрорий савдо 2013 йил 17 июнь куни бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "SPARETRA" МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИнинг АТИБ "Ипотека банк" Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004887305001, МФО 00425, ИНН 301829604. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-даҳа, 3 уй, 1-хонадон. Тел.: 577-22-12.

**Гувоҳнома № 004593.**

**Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси давлат активларини тўғридан-тўғри (оммавий офёрта) музокаралар олиб бориш йўли билан сотиш савдоларига таклиф этади.**

**Сотувчи:** Давлат рақобат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси.
**Сотувчининг манзили:** 100077, Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳкўчаси, 107-уй.
**Алоқа телефонлари:** (8-371) 268-23-21, 268-27-29. **Факс:** 268-27-29.

**Сотиш таклиф қилинаётган давлат активларининг номи, сони, тавсифи ва жойлашган манзили:**

| Объект номи | Объект манзили | Балансда сақловчининг номи, манзили | Объект тавсифи | Сотиш таклиф қилинаётган нархи, сўм | Энг кам инвестиция миқдори | Хусусийлаштирилиши белгиланган ҳукумат қарори |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Дўкон бино иншоотлари | Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, 4-кичик ноҳия, 6-уйининг биринчи қавати | Чирчиқ шаҳар ҳокимлиги, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, А. Темур кўчаси, 1 | Бинонинг қурилиш ости майдони – 1430,08 кв.м., фойдаланиш майдони – 1187,67 кв.м | 763 614 750,0 сўм | – | ПҚ-1743 25.04.2012 й. |
| Нотураржой биноси | Тошкент вилояти, Паркент тумани, Истиқбол кўчаси | Паркент тумани ҳокимлиги, Тошкент вилояти, Паркент тумани, Ичкиқўрғон кўчаси, 5-уй | Ер майдони 0,262 гектар, биноларнинг қурилиш ости майдони 253,36 кв.м. | 156 404 200,0 сўм | сотиб олиш қийматининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдорда инвестиция киритиш, янги иш ўринларини ташкил этиш мажбуриятларини олиш | ПҚ-1743 25.04.2012 й. |

**Музокаралар ўтказиш санаси, вақти ва жойи:** Давлат рақобат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси биносида 2013 йил 3 июнь куни соат 11.00да бўлиб ўтади.

**Олди-сотди шартномаларини тузиш шартлари (сотиб олиш тўловларининг таклиф этилаётган суммаси ва уларни ўтказиш шакли, муддати ва шартлари):**

**1.** Энг юқори сотиб олиш тўловини таклиф этиш.
**2.** Тўлов муддатини қисқа муддатларда амалга ошириш.
**3.** Сотувчи билан 20 кун муддат ичида олди-сотди шартномасини тузиш.

**Талабгорларнинг таклифларини қабул қилиш тамом бўлиши санаси ва вақти:** 2013 йил 1 июнь куни соат 18.00 гача.

Тўғридан-тўғри (оммавий офёрта) музокараларда қатнашиш учун талабгор ёки унинг вакили эълонда белгиланган муддатларда шахсан ўзи ёки почта орқали қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

– юридик шахслар учун – давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек ваколатли вакилнинг қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

– жисмоний шахслар учун – паспортнинг нусхаси, ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

– сотувчининг банк ҳисоб рақамига савдога қўйилган давлат активи бошланғич нархининг 15 фоизи миқдорида закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси;

– қуйидагиларни ўз ичига оладиган икки нусхадаги оғзи ёпиштирилган конвертларга солинган талабгор таклифлари;

– сотиб олиш тўловларининг таклиф этилаётган суммаси ва уларни тўлаш муддати;

– инвестиция мажбуриятларининг таклиф этилаётган суммаси, уларни тўлаш шакли, муддати ва шартлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Ҳурматли тадбиркорлар ва ишбилармонлар! Савдода қатнашиш учун ҳужжатларни топшириш ва савдоларни ўтказиш жараёнида қонунбузарликлар ва ўз ҳуқуқларингиз поймол қилиниш ёки ошкоралик таъминланмаганлиги ҳолатлари рўй берган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитасининг (8-371) 259-21-37 ёки Давлат рақобат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасининг 268-23-21 телефон рақамларига хабар қилишингиз сўралади.

**"Кўп тармоқли ихтисослаштирилган аукцион савдо" МЧЖ (КТИАС) аукцион савдоларини ташкил қилиш корхонаси томонидан баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, "Дероз" хусусий корхонасида сақланаётган 22.06.2012 йилдаги №9099/15-сон ижро ҳужжат. асосан 1. Бисквит ишлаб чиқариш линияси (Автоматическая технологическая линия по производству бисквита производительностью 100 кг/час), бошланғич нархи – 920 000 000 сўм, 2. Кремли вафли ишлаб чиқариш линияси (Автоматическая технологическая линия по производству наполненных кремом плоских вафель, производительностью 420 кг/час), бошланғич нархи – 880 000 000 сўм. Аукцион савдолари 2013 йилнинг 30 май куни соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кучаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада ўтказилади. Юқорида кўрсатилган мулклар 30 майдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси соат 11.00 да 2013 йилнинг 20 июнь куни бўлиб ўтади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алохида тартибда, КТИАСнинг ҳисоб рақамига 20208000904929477001, АТИБ "Ипотека банк" Шайхонтоҳур филиали, МФО 00425, ИНН 302074183, ОКОНХ 83200 га тўлашлари шарт.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатлар расмий иш кунлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кимошди савдоси ўтказлишига бир иш куни қолганда тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй. Телефон: 249-54-59.

**"CAPITAL REALTOR GROUP" МЧЖ барча тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан, кичик бизнес вакиллари ҳамда хусусий тадбиркорларни очиқ танлов савдоларига таклиф этади!**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ҳамда 2013 йил 30-сонли баёнига мувофиқ тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун жисмоний ва юридик шахсларга қуйидаги ер майдонидан доимий фойдаланиш хуқуқи танлов савдоларига қўйилмокда:

1. Янги иш ўринлари яратиш мақсадида маҳалла гузари қурилиши учун Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, "Қўш-ёғоч" ҚФЙ ҳудудидан ўтувчи 4Р-22 "Тўйтепа-Оққўрғон-Янгийўл" автойўлининг 58-километрида жойлашган 1 дона, майдони 0,23 га бўлган ер майдонидан доимий фойдаланиш хуқуқи.

Хуқуқнинг минимал қиймати – 865 094,86 сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми, шакллари ва шартлари Янгийўл туман архитектура бўлими томонидан тайёрланган топшириқ асосида белгиланади.

Танловда қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги ҳужжатлар илова қилинган буюртманомаларни икки нусхада тақдим этадилар:

– юридик шахслар – давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, ваколатли вакил қатнашган тақдирда, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси ва белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

– жисмоний шахслар – паспорт нусхаси, ваколатли вакил қатнашган тақдирда, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси ва белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнма;

– танлов ташкилотчисининг ҳисоб рақамига 10 % миқдордаги закалат пули тўлаганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжат нусхаси;

– танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилган, мухрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг мухри (юридик шахслар учун) ва ваколатли шахснинг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Танловда қатнашиш учун талабгорлардан буюртманомалар ҳар куни (шанба, якшанба ва байрам кунларидан ташқари) қабул қилинади ва 2013 йил 29 май куни соат 16:00 да тўхтатилади.

Талабгорларнинг конвертлари Янгийўл туман ҳокимлиги биносида 2013 йил 30 май куни соат 11:00 да очилади ва 2013 йил 30 май куни соат 14:00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади. Танлов комиссияси томонидан энг юқори таклиф билдирган талабгор танлов ғолиби деб топилади.

Ер участкаларига бўлган чекланган (мажбуриятлар олинган) ҳуқуқлар мавжуд эмас.

Талабгорларга уларнинг сўровлари бўйича, энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари микдоридаги тўлов эвазига танлов ҳужжатлари тақдим этилади.

Танлов ҳужжатларини олиш учун тўловлар ва закалат пулларининг тўланиши учун танлов ташкилотчиси "Capital Realtor Group" МЧЖнинг банк реквизитлари: ОАТБ "Капиталбанк" Мирзо Улуғбек филиали, 20208000204927571003, МФО 01018, СТИР 207126662.

Танлов ҳужжатларини олиш, буюртманомаларни топшириш ҳамда маълумолар учун манзил: 100022, Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй. Тел/факс: (8-371) 250-1924. E-mail: info@realtgroup.uz

**Лицензия: RR-0017. www.realtgroup.uz**

**"REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Савдога қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда. 1. Бекобод шаҳар СИБ томонидан 14.11.2011 й. № 13129-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри, Аббосова кўчасида жойлашган цемент омборхонаси ва унинг ёнидаги қурилиши тугалланмаган савдо дўкони. Бошланғич баҳоси – 76 322 634 сўм. 2. Юқори Чирчиқ тумани СИБ томонидан 03.11.2011 й. ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Юқори Чиричқ тумани, Султонравот даҳаси, Паркент кўчасида жойлашган чойхона биноси. Бошланғич баҳоси – 87 961 936 сўм. 3. Чиноз тумани СИБ томонидан 22.07.2011 й. № 1128/0506-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Чиноз тумани, Наврўз кўчасида жойлашган йўл қурилиш-таъмирлаш маъмурий биноси. Бошланғич баҳоси – 54 259 470 сўм. 4. Чиноз тумани СИБ томонидан 17.09.2009 й. № 11-0928/9686-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Чиноз тумани, Чиноз шаҳри, Ф. Хўжаев кўчасида жойлашган бино-иншоотлар. Бошланғич баҳоси – 51 937 290 сўм. 5. Қуйи Чирчиқ тумани СИБ томонидан 12.01.2012 й. № 402-403-404-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Қуйи Чирчиқ тумани, Тошовул қ.ф.й., Отажонов кўчасида жойлашган дўкон биноси. Бошланғич баҳоси – 27 810 000 сўм. Аукцион савдоси 2013 йил 15 май куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. 6. Ўрта Чирчиқ тумани СИБ томонидан 10.12.2012 й. № 1-391/12-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, Ўртасарой қ.ф.й., Водник маҳалласи, 9-уй. Бошланғич баҳоси – 39 000 000 сўм. 7. Ўрта Чирчиқ тумани СИБ томонидан 27.05.2011 й. № 3049-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, Дўстлик қ.ф.й., Эвалак маҳалласи, О. Шарофуддинов кўчаси, 172-уй. Бошланғич баҳоси – 35 000 000 сўм. 8. Чирчиқ шаҳар СИБ томонидан № 9585-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, А. Навоий кўчаси, 92-уй. Бошланғич баҳоси – 83 980 000 сўм. 9. Бўка тумани СИБ томонидан 07.06.2012 й. № 6067/9-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Бўка шаҳри, Ўзбекистон кўчасида жойлашган 1 қаватдан иборат бўлган мулк биноси. Бошланғич баҳоси – 48 653 194 сўм. 10. Бўстонлиқ тумани СИБ томонидан 17.09.2012 й. № 1-423-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Хумсон қ.ф.й., Қизил Чорва қишлоғида жойлашган дала ҳовли. Бошланғич баҳоси – 325 950 000 сўм. Аукцион савдоси 2013 йил 31 май куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги мулклар 2013 йил 31 май куни савдода сотилмаган тақдирда, мазкур мулкларни сотиш юзасидан такрорий савдо 2013 йил 17 июнь куни бўлиб ўтишини маълум қиламиз. Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини "REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖ Тошкент шаҳар, "Ипотека банк" АТИБ Шайхонтоҳур филиалига қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000304936050001, МФО 00425, СТИР 207125885. Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-даҳа, 3-уй, 1-хонадон. Тел.: 577-22-12.

**Лицензия: RR-0052.**

# Ҳурматли тадбиркорлар!

"Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши Тошкент вилояти бўйича ҳудудий комиссиясининг қарори асосида вилоятда кичик ва хусусий бизнесни ривожлантириш, тадбиркор ва ишбилармонларни қўллаб-қувватлаш, уларга қулайлик, шарт-шароитлар яратиш мақсадида Тошкент вилояти бўйича Давлат архитектура-қурилиш назорати инспекциясида ҳар ойнинг биринчи сешанба куни **"Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш"** ва **"Очиқ эшиклар куни"** эълон қилинади.

Стандартлаштириш ва сертификатлаш масалалари, синов лабораторияси объектларни техник кўрикдан ўтказиш ҳамда қурилиш объектларини рўйхатдан ўтказиш ва тегишли рухсатномалар олиш, шунингдек, бошқа масалалар бўйича ҳар ойнинг биринчи сешанба куни соат 9.00 дан 17.00 гача 241-40-25 телефони орқали мурожаат қилишингиз мумкин.

**Тошкент вилояти бўйича ДАҚН инспекцияси манзили: Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 7-уй.**

ИЖТИМОИЙ РЕКЛАМА




**ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ**

Республика Гидрометеорология марказининг хабар беришича, 1 май куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 7-9, кундузи 23-25 даража иссиқ бўлади.

Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 8-13, кундузи 23-28 даража иссиқ бўлади.

Республикамизнинг тоғли ҳудудларида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 0-5, кундузи 12-17 даража илиқ бўлади.



ООО "DELTA LEASING" (ИНН 300468990), расположенное по адресу: г. Ташкент, ул. Фурката, 15/1, извещает об уменьшении уставного капитала ООО "DELTA LEASING" с 4 000 000 000 сум до 3 500 000 000 сум.

Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня публикации объявления.

"QIBRAY G'ALLA OSIYO NON" (ИНН 302434977) масъулияти чекланган жамияти "GALLA OSIYO NON-TOSHKENT" (ИНН 301370347) масъулияти чекланган жамиятига бирлашишини маълум қилади.

Олмазор тумани ТСРЎИ томонидан 06.07.2012 йилда реестр рақами № 007481 билан рўйхатга олинган "MAXI ROTATE" масъулияти чекланган жамиятига тегишли бир дона думалоқ мухр йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Олмазор тумани ТСРЎИ томонидан 06.07.2012 йилда реестр рақами № 007482 билан рўйхатга олинган "LAST PART" хусусий корхонасига тегищли бир дона думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент шаҳри, Сергели туманида рўйхатдан ўтган "ARTMARK ASIA" (ИНН 302367934) МЧЖ қўшма корхонаси ўзини ўзи тугатиши тўғрисидаги 25.04.2013 йилдаги 3-сонли қарорига асосан **ТУГАТИЛАДИ.**

Даъволар 2 ой давомида 345-76-00 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Чилонзор тумани ДСИ томонидан 2012 йил 5 ноябрда якка тартибдаги тадбиркор Рахматов Фазлитдин Раимкулович номига берилган 08-07580 (реестр тартиб рақами 0808823) рақамли гувоҳнома (патент) йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

"ZEROBLOOM GROUP" МЧЖнинг устав фонди 515 266 000 сўмдан 200 200 000 сўмга камайишини маълум қилади.

1-Республика тиббиёт коллежи томонидан 2007 йилда Нурбаева Нодира Равшановна номига берилган К № 851090 (рўйхат рақами № 7395) рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент шаҳри, Учтепа туманидаги "OQ TEPA AVTOMOBILCHISI" МЧЖга тегишли қуйидаги АТ серияли: 1197212, 1197213, 1154199, 1154200, 1175501, 1175502, 1176021, 1258729, 1258730, 0125216, 1239734, 1239740 рақамли лицензия варақалари йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Китоб – хазина

# ТАФАККУР МАҲСУЛИ



(Давоми. Боши 1-бетда).

Китоблар тарихдан сўзлайди, келажакка йўл кўрсатади, яшашга ўргатади, ҳаётда қоқилганимизда йиқилмаслигимиз учун суянчиқ бўлади. Кўп китоб ўқиган киши ҳеч қачон ёмон ахлоқли бўлмайди, эгри йўлни танламайди, ўғрилик, қотилликка қўл урмайди. Келажаги буюк Ўзбекистонимизнинг тақдири "билимли, ақлли ва албатта, бахтли" инсонлар қўлига топширилар экан, бундай шавкатга эришишни китобларсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Китоблар илмий ёки бадиий бўладими, тарихий ёки замонавий бўладими, бундан қатъи назар, инсонларга ҳар доим маърифат улашиб келган, улашиб келяпти ва бундан кейин ҳам улашаверади. Маърифатли шахс ҳар доим қадрланади.

Шу ўринда бир ривоят ёдимга тушди. Қадим замонда бир подшоҳ бўлган экан. Унинг учта вазири бор экан. Кунлардан бир куни подшоҳ вазирларининг зукколигини синаш ва ўзига бош маслаҳатчи танлаш мақсадида уларни ҳузурига чорлаб, дебди: "Сизларга саволим бор. Ким тўғри жавоб берса, бир умрга етгулик совға-саломлар инъом этаман ва ўзимга бош маслаҳатчи этиб тайинлайман. Агар нотўғри жавоб берсангиз, бошингиз танангиздан жудо этилади. Саволим қуйидагича: дунёда пичоқдан ҳам ўткир бир хазина бор. Шу хазина ҳар қандай жисм ва ҳар қандай руҳни кеса олиш қудратига эга. Бу нима?"

Подшоҳ саволига жавоб топиш учун вазирларига 3 кун вақт берибди. Муҳлат тугагач, вазирлар подшоҳ ҳузурига йўл олишибди. Шоҳ жавобни аввал биринчи вазирдан талаб қилибди. У қўлидаги узун, ўткир ханжарини кўрсатиб: "Дунёда пичоқдан ҳам ўткир хазина мана шу ханжардур, Подшоҳи олам", деб жавоб берибди. Ҳукмдор уни жаллод қўлига топширибди.

Навбат иккинчи вазирга келибди. У қўлидаги бир ҳовуч тиллани кўрсатиб: "Подшоҳи олам, сиз айтган хазина мана шу эрур" дебди. Подшоҳ яна жаллодни чақирибди.

Учинчи вазир подшоҳ қаршисида тиз чўкибди. У қўлидаги китобни кўрсатиб дебди: "Дунёда пичоқдан ҳам ўткир хазина – китобдур. Китоб ҳар қандай жисмни ва ҳар кимнинг руҳини кесиб ташлаш қудратига эга". Подшоҳ бу жавобдан хурсанд бўлибди. Ваъдасига биноан бу доно вазирни ўзига бош маслаҳатчи қилиб тайинлабди, бир умрга етгулик совға-саломлар инъом этибди.

Қиссадан ҳисса шуки, китоб ҳақиқатан ҳам – хазина. Шу хазинани тўплаган одам бой ҳисобланади. "Китоб – билим булоғи" деб бежиз айтилмаган. Китоб билан дўст бўлганлар, булоқ каби доим қайнаб туради, яъни ҳеч қачон сўнмайди. Китоб билан доим дўст бўлишгани учун ҳам Навоий, Бобур, Қодирий, Чўлпон, Қаҳҳору Ойбек, Шайхзодаю Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжону Зулфия, Озод Шарафиддинов, Муҳаммад Юсуф ва бошқа кўплаб улуғ даҳоларимиз биз учун доим тирик. Чунки улар тафаккур гулшанини яратишди. Зеро, китобсиз ҳаётни тасаввур қилиб бўлмайди, жамият ривожи тўхтаб қолади, инсон тафаккури шаклланмайди. Биз китоб орқали ўтмишимизни ўрганамиз, келажагимизни режалаймиз, маданиятимиз, санъатимиз, спорт ва бошқа соҳалардаги ўзгаришу янгиликлардан баҳраманд бўламиз, хориж ҳаёти билан танишамиз.

Китоб ёзаётган инсон узоқ келажакни ўйлайди. Агар шундай қилмаса, китобнинг қадр-қиймати йўқолади. Ёзувчи шунга амал қилса, тафаккурнинг маҳсули – китоб юзага келади.

Демак, китоб – инсон тафаккури маҳсули ва шундай бўлиб қолади.

Хуллас, китоб – хазина. Хазина бўлганда ҳам шундайки, ундан илм-билим сипқорган сари камайиш ўрнига, янада бойиб бораверади.

**Шоира ХАБИЛОВА,**
**Оққўрғон агробизнес ва сервис касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси.**

Ҳаёт сабоқлари

# ҚАБРТОШ

Гўзал тенгдошларидан кўра эрта бўй етди. Келишган қадди-қомати фақат йигитлар эмас, дугоналарининг ҳам ҳавасини келтирарди. Шу қадди-қомат уни эрка, тантиқ қилди, дастлаб ёшлар оқшомлари, бора-бора эса, катта-кичик ўтиришларнинг гулига айлантирди. У уйига кеч қайтар, қайтганда ҳам турли машиналарда келарди. Маҳаллада у ҳақда гап-сўзлар кўпая борди.

Кунларнинг бирида Гўзал ўзи сингари саёқ юришни одат қилган дугонаси Ҳилола билан йўқолиб қолишди. Сингилларининг қилиқларидан ор қилиб, уриб-сўкиб ҳам йўлга сололмай юрган акалари ҳар томонга изғишиб, зир югуришди. Аммо Гўзал билан Ҳилоладан дарак чиқмади. Ёмонларнинг қўлига тушиб, ўлдириб кетишдимикан, деган тахминлар урчий бошланганида, қизларнинг қўшни мамлакатлардан бирига кетишгани ҳақида гап чиқиб қолди ва бу ростга айланди...

Акалари Гўзални уйга қамаб қўйишди. Қишлоқда эса яна шивир-шивир гаплар болалади. Гўзал ўша кетишида ҳомиладор бўлиб қолиб, боласини олдирибди. Унинг ранги бир ҳолатда, озиб-тўзган, бу гап бўҳтон эмас, ҳақиқат эди.

Шу тариқа Гўзални на қари ота-онаси, на пиянista ака-укалари йўлга сололмадилар. Лекин бу орада Гўзалнинг ўзи қуйила бошлади шекилли, илгаригидек тараллабедод юришини камайтирди. Ўша кезларда Гўзални тоғ томонда яшайдиган узоқ қариндошларининг аёли вафот этган ўғлига узатишди. Аммо, кўчахандон юрган Гўзал тоғ қишлоғи шароитига чидамади. Йил ўтмай, уйига қайтиб келди. Фарзанд кўрмай, барибир кўча аёли бўлиб қолаверди.

Шу юришида туман марказида яшовчи бир йигит Гўзални ёқтириб қолиб, оила қуришди. Аммо ўн йилдан ортиқ яшаб ҳам фарзанд кўришмади. Қолаверса, Гўзалнинг бетийиқ юришлари ўз таъсирини кўрсатиб, сил касалига чалинди. Гўзал умрининг охирги кунларида чолидан ҳам айрилиб, ҳассага суяниб қолган онаси қарамоғида бўлди. Она шўрлик нима ҳам қила оларди. Бевақт хазон бўлган қизи дардида адои тамом бўлди.

Фарзанд доғи юрагини ўртаб ётган кунларнинг бирида Норбуви кампир аранг юриб, туман марказидаги ёдгорликлар устахонасига келди. Марҳум сурати туширилган баланд қабртош олдида узоқ туриб қолди. "Чолига қабртош қўйдирмоқчи шекилли" дея хаёлидан ўтказди уста.

– Қизимга қабртош қўйдирмоқчи эдим, мана шунақа тошга буюртма берсам, пули қанча бўлади? – деди кампир.

Уста ҳайратга тушди:

– Нега сиз? Бошқа ёшроқ одам йўқми буюртма берадиган?

Устанинг гап оҳангида: "Ўзингиз зўрға юрибсиз-у, қабртошга бало борми?" деган маъно сезилиб турарди.

– Ҳеч ким йўқ-да, айланай, ҳеч ким йўқ, – ўкинди кампир. – Болаларим кўп бўлса ҳам бир-бирларига бемеҳр, беоқибат. Қизимдан тирноқ ҳам қолмади.

Анчадан кейин кампир ўзини босиб олиб, деди:

– Ўйлаб қарасам, қизим бу дунёдан ном-нишонсиз кетибди. Мана бу сурати, кўринг... Анави тошга сурат туширибсиз-ку, буни ҳам тушира оларсиз.

Уста анча тикилиб тургач, суратни кампирга узатди:

– Онахон, хафа бўлманг-у, бундай қабртош қилиб беролмасам керак. Бу жуда қиммат...

– Қанча бўлади?

– Қиммат, онахон, қиммат. Анави сиз кўрган қабртош бир ярим – икки миллион атрофида.

– Пенсиямни йиғиб тўлайман, – деди кампир ва кейин ўзига-ўзи гапираётгандек давом этди, – Ўғлим билан келиним менинг пенсиямга қараб ўтиришади. Барибир миннатдор бўлишмайди. Энди бир тийин ҳам бермайман, йиғиб-йиғиб қизимга тош қўйдираман.

Устанинг кампирга раҳми келди:

– Майли онахон, мен розиман, пенсиянгизни йиғаверинг.

Кампир ҳозирнинг ўзида иши битиб, муроди ҳосил бўлгандек, суюниб кетди. Устани узоқ дуо қилди. Кейин аранг ўрнидан турди-да, ҳассасига таяниб, мункиллаб секин кета бошлади.

Уста унинг ортидан қараб турар экан, дилини бир савол тилиб ўтди: "Бечора, тош қўйдиришга улгурармикин?".

**Маъмуржон БОЗОРАЛИЕВ.**

Сураткаш ҳазили



*Чемпион бўламан десанг, ҳозирдан ҳаракат қил!*




## ҲАЛОКАТ УСТИГА ФАЛОКАТ

**Бангладешда 24 апрель куни тўсатдан қулаб тушган фабрика биносида ёнғин сабабли қутқарув ишлари тўхтаб, ўт ўчирувчилар ҳаракат бошлашгани ҳақида хабар тарқатди Associated Press агентлиги.**



Маҳаллий ҳокимият вакиллари айтишига қараганда, ёнғин чиқишига ўт ўчирувчилар хароба остидаги одамни қутқариш мақсадида темир бўлакларини кесиш пайтидаги учқун сабаб бўлган. Ёнғиндан камида уч қутқарувчи жабр кўрган.

Бангладеш ёнғин хавфсизлиги бошлиғи Аҳмад Алининг AFP агентлигига берган маълумотига қараганда, бир аёл ёнғинда ҳалок бўлган. Афтидан бу аёл харобалар остида қолган ягона тирик жабрланувчи бўлса керак.

AFP келтирган сўнгги хабарларга кўра, тикувчилик фабрикаси биноси қулагани натижасида 379 киши ҳалок бўлган. Улар асосан тикувчи аёллардир. Қутқарувчилар 2,5 мингга яқин кишини харобалар остидан чиқариб олишга муваффақ бўлдилар. Уларнинг камида 1000 нафари жиддий жароҳат олган.

Ўтган якшанба куни полиция фабрика эгасини ҳибсга олди.

## ҲАВО ШАРИ ҒОЙИБ БЎЛДИ



**ABC News агентлиги тарқатган хабарда келтирилишича, Перу соҳилларида йўқолиб қолган ҳаво шаридаги етти кишининг беш нафари тирик топилди.**

Мамлакат ички ишлар вазири Вильфредо Педразунинг сўзларига қараганда, қутқарилганларнинг ҳаммаси аёллар, уларни шар бўлаклари булутлар билан кўчиб юрганда топишди. Қутқарилганлар шифохонага ёткизилди, аммо уларнинг аҳволи ҳақида маълумот тарқатилмади. Перу флоти қисмлари вертолётлар ёрдамида қолган икки кишини қидиришда давом этмоқда. Тахминий маълумотларга кўра, ноқулай об-ҳаво шарнинг қулашига сабаб бўлган.

Ҳаво шари билан алоқа узилган пайтда у Лима шаҳридан 200 километрча масофада, Тинч океани устида бўлган. Экскурсияни уюштирган компания вакилларининг маълум қилишича, қулаб тушган шардаги қолган одамлар тирик бўлиши мумкин, чунки шарга бириктирилган кажава сувда чўкмай, муаллақ туришга ёрдам беради.

## АВТОБУС НЕГА ҚУЛАДИ?

**АҚШнинг Огайо штати Коламбус шаҳридаги тезкор трассада бораётган автобус тўсатдан ҳалокатга учради.**



Эй-би-си телеканалининг хабар беришича, мактаб ўқувчилари бораётган автобус номаълум сабабга кўра, ҳимоя тўсиғини уриб ўтиб, йўл четидаги ариққа қулаган. Автобусда 16 ўқувчи ва 3 ўқитувчи бор эди. 9 ўқувчи ва 2 ўқитувчи жароҳатланди. "Улар маҳаллий шифохоналарга келтирилди, жиддий жароҳатланганлар йўқ", дея таъкидлайди телеканал.

Маълум қилинишича, ўқувчилар ижарага олинган махсус автобусда Миссури штатидаги Сент-Луис шаҳрида уюштирилган қўлбола робот-техника мусобақаларида қатнашиб, Нью-Йоркка қайтаётган эди.

## ПРЕЗИДЕНТНИ ҚАМОҚ КУТАЯПТИ



**Босния суди ўтган якшанба куни Босния ва Герцеговина федерацияси президенти Живко Будимир ҳамда унинг атрофидаги тўрт кишини қамоққа олиш ҳақида рухсатнома берди.**

РИА "Новости" агентлигининг таъкидлашича, улар 30 кун қамоқда бўлишади. Бу оралиқда коррупция масаласига оид иш юзасидан тергов ўтказилади.

Полиция Будимирни Сараево марказидаги президиум биносида, ўзининг иш кабинетида қўлга олди. Бу сиёсатчи судланганларни авф этиш тўғрисида ноқонуний қарорлар қабул қилиш ва порахўрликда гумон қилинмоқда. Кейинги йилда автономия бошлиғи 96 кишини авф этган. Шунингдек, президентнинг яна 85 та қарорини суд ва давлат органлари кўриб чиқишган. Авф этилганлар орасида 35 нафар қотил, бир зўравон, шунингдек, гиёҳвандлик моддалари тайёрлаш ва ноқонуний сотиш билан шуғулланган беш киши бор.

Ушбу ҳодисага оид тўлиқ маълумотлар расман ошкор этилмаяпти. Dnevni avaz газетасининг маълумотларига кўра, Будимир хонасидаги темир сандиқдан катта миқдорда пул топилди. Хона эгаси эса бу пулларнинг қаердан келганини асослаб беролмади.

Полиция президент иштирокидаги телефон сўзлашувлари ёзувига эга. Унда пора тарзидаги маблағлар ҳақида сўз боради. Таъкидланишича, Будимир маҳбусни бир йилга авф этиш учун 30 минг Босния маркаси (15 минг евро) олган.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

Жиноятга жазо муқаррар

# ҚОРАВОЙНИНГ ОНАСИ НИМА ДЕЙДИ?

"Шум бола" фильмини эслайсизми?

Маҳалланинг бир тўп ўйинқароқ ўспиринлари тўпланишиб, ҳалфана дастурхон ёзмоқчи бўлишади. Бош қаҳрамон Қоравой эса ҳеч нарсадан тап тортмай, товуқхонага кириб, товуқларни "қағ-қағ"латганча, ҳали совиб улгурмаган тухумни дўпписининг тагига тиқади. Буям етмагандек, хумдондаги омухта ёғдан ўмариб, иштонбоғига яширади. Уйдагиларнинг кўзини шамғалат қилганча, энди кўчага қараб жуфтакни ростламоқчи бўлиб турганида қўлга тушади. Иштонбоғининг орасидан қоғозга ўроғлиқ ёғни пайпаслаб топиб олган она шўрликнинг ҳовлидаги бир тўп жужуқчаларни кўрсатиб айтган гапи...

Майли, бу ҳақда кейинроқ...

... Муайян қийматдаги товар-моддий бойликлар халқимизнинг ҳаёт даражасини яхшилаш, фаровонлигини таъминлашга хизмат қилувчи муҳим воситалардан ҳисобланади. Мўл-кўллик, тўкин-сочинликка нима етсин? Турмушнинг ободлиги шу билан-да. Лекин бу – неъматларни истаганча талон-торож қилиш мумкин, дегани эмас.

Шундайку-я, бироқ юртимиздаги товар-моддий бойликларни турли эгри йўллар орқали, четдаги кимсалар билан хуфиёна келишиб, қўшни минтақалардаги йўқчилик ва тақчилликдан фойдаланган ҳолда мамлакат ташқарисига ноқонуний чиқариб юборишга уринишлар ҳали-ҳануз учраб турибди. Афсуски, инсон баъзан пул кетидан қувиб, осон бойлик орттириш пайига тушганда, булар ҳақида ўйлаб кўрмас экан, чоғи.

Масалан, Бекобод шаҳрилик Муҳаббат Абдураззоқова шу ҳақда ўйлаб кўрган, дейсизми? Агар шундай бўлганда, салкам эллик ёшни қоралаб, ҳаётнинг унча-мунча пасту баландини кўришга улгурган чоғида бир тўп кимсаларнинг ноғорасига ўйнамаган бўларди.

Унинг ҳамшаҳари Ойбек Абдусатторов-чи? Эндигина 22 ёшга тўлган бу азамат йигитни нима жин урди, қайси шайтон жиноят кўчасига бошлади?

Келинг, қисқача тафсилотларга тўхталайлик.

Муҳаббат Абдураззоқова Бекобод шаҳридаги "Фурқатбек шифо" хусусий корхонаси эгаси. Тузуккина тадбиркор. Хусусий дорихонаси ҳам бор.

Хуллас, 2012 йилнинг баҳор ойларида Муҳаббат Абдураззоқова дастлабки терговда аниқлаш имкони бўлмаган таниши, асли Тожикистон Республикаси фуқароси "Муҳибилло" исмли шахс ҳамда Бекобод шаҳри К. Фармонов маҳалласи, Бекобод кўчаси 5-уйда яшовчи Ойбек Абдусатторов билан жуда кўп миқдордаги товар-моддий қийматликларни декларациясиз, божхона назоратини четлаб, қўшни мамлакатга ўтказиш хусусида аввалдан ўзаро жиноий тил бириктирдилар. Келишилганидек, "Муҳибилло" М. Абдураззоқовага жиноий шериги О. Абдусатторовга бериб қўйиш учун жуда кўп миқдордаги дори-дармон воситаларини келтириб берди. Абдураззоқова бу моддий қийматлар яширин тарзда Тожикистон Республикасига ўтказилишини олдиндан билгани ҳолда, уларни ҳеч бир мулоҳаза қилиб ўтирмай, вақтинча сақлаш учун ўз уйига – Бекобод тумани Бобур қишлоғи, Дўстлик кўчасидаги 3-хонадонга туширди. Келишилганидек, шу куннинг ўзида Ойбек дори-дармонларни ўзининг бошқарувидаги давлат рақамисиз "Ваз-2109" русумли автомашинага юкладида, вақтинча сақлаш учун ўзи истиқомат қилаётган манзилга олиб кетди.

2012 йилнинг 22 апрель куни ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари ҳамкорлигидаги навбатдаги қўшма тадбир доирасида О. Абдусатторов яшаб келган хонадон холислар иштирокида кўздан кечирилганда дорифурушларнинг қинғир нияти фош бўлиб қолди. Яъни худди шу жараёнда ҳовлида турган давлат рақамисиз "Ваз-2109" русумли автомашина ичида чет элда ва Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган 31 турдаги, умумий қиймати 43 миллион 675 минг 873 сўм бўлган, ҳеч қандай ҳужжатсиз дори-дармон воситалари борлиги аниқланди. Шунингдек, ички хоналарнинг биридаги темир қутидан 9500 АҚШ доллари топилиб, ашёвий далил сифатида олинди.

Бугина эмас, М. Абдураззоқованинг юқоридаги манзилдаги хонадони кўздан кечирилганда ҳам тегишли ҳужжатларга эга



бўлмаган 47 дона "Терафлю", 1088 дона "Цефтриаксон" ҳамда 84 дона "Эссел Жуниор" номли дори воситалари чиқди.

Ҳар қандай жиноятнинг умри қисқа. Бинобарин, халқимизда кўза кунда эмас, кунида синади, деган гап бор. Ким билади, дейсиз, қинғир йўллар билан пул топиб, бойлик орттиришни ўзига касб қилиб олганлар, эҳтимол, бир-икки бор шум режаларини хамирдан қил суғургандек амалга оширишга улгурарлар ҳам. Аммо кун келиб ҳақ жойида қарор топиши, айбдорлар қилмишига яраша жазо олиши муқаррар-ку!

Бу сафар ҳам шундай бўлди. Жиноят ишлари бўйича Бекобод шаҳар суди мазкур иш юзасидан одилона ҳукм чиқарди.

Суд мажлисида М. Абдураззоқова ҳам, О. Абдусатторов ҳам ўз жиноятларини хаспўшлаш учун бирор жўяли сабаб кўрсата олмадилар. Аксинча, қилмишлари оқибатларини чуқурроқ ўйлаб кўрмаганларини, тамоман афсусда эканликларини бот-бот таъкидлаб, суддан енгиллик сўрадилар, холос.

Алқисса, ҳукм шундай бўлдики, судланувчи М. Абдураззоқова Ўзбекистон Жиноят Кодексининг тегишли моддаларида кўзда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилди ва унга нисбатан амалдаги энг кам ойлик иш ҳақининг 500 баробари миқдорида жарима жазоси қўлланилди. Бошқача айтганда, бу эгри қилмиши Абдураззоқовага нақ 31 миллион 460 минг сўмга тушди.

О. Абдусатторовнинг қилмишларини адолат тарозисида тортиб кўрган суд қилган жинояти учун уни 5 йил муддатга озодликдан маҳрум этишга қарор қилди. Шунингдек, далилий ашё сифатида олинган дори-дармон воситалари ва 9500 АҚШ доллари ҳамда мазкур иш билан боғлиқ жараёнларда жиноят қуроли сифатида фойдаланилган учта енгил автоулов давлат эгалигига ўтказилди.

... Дарвоқе, Қоравойнинг онаси шундай дейди:

– Кимнинг ризқини қийяпсан? Мана шу қоракўзларнингми?!!

**А. БЕКМУРОДОВ.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
**Тошкент вилояти ҳокимлиги**

**Бош муҳаррир**
**Убайдулла АБДУШОҲИДОВ**

**Манзилимиз:** 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
**e-mail:** th.tp@mail.ru

**Телефонлар:**
Қабулхона: 233-64-95, 236-55-59, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-12-83, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 236-55-54.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир **Сайёра РИХСИЕВА**
Навбатчи **Бекзод ҲИДОЯТОВ**
Саҳифаловчи **Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ**

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма J 7009. Адади 13 758. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. **ISSN 2010-9318.**

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. *"ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй.* Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 18.00.